

УЛУҒ БАЙРАМНИИ МЕҲНАТДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 216 (4422).

4

НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

1971 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! БИЗНИНГ ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИМИЗ— БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ—СОЦИАЛИСТИК ЭКОНОМИКАНИ ҚУДРАТЛИ ЮКСАЛТИРИШ АСОСИДА ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ АНЧА ОШИРИШ ВАЗИФАСИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ ГАРОВИДИР!

ИЛҒОР МЕҲНАТ АҲЛИГА ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НОВАТОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!

(КПСС Марказий Комитетининг октябрь Чақириқларидан)

ЮЗ МИНГИНЧИ МАШИНА

„ТАШСЕЛЬМАШ ЗАВОДИДА КАТТА ТАНТАНА
КОНВЕЙЕРДАН ЮЗ МИНГИНЧИ МАШИНА ТУШИРИЛДИ

Республикаимизнинг етакчи корхоналаридан ҳисобланган «Ташсельмаш» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Улуғ Октябрнинг 54 йиллик байрами арафасида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Кунинча бу эра корхона таъсис қилинган 100000—тўрт қаторли пахта териш агрегати бош конвейердан тушди.

Бу йил ўзининг 40 йиллик юбилейини нишонлаган корхона коллективи зафар кетида зафар кўчмоқда. КПСС XXIV съезди қарорларидан илҳомланган «зангори кема» ишкорларини тўққизинчи бешйилликнинг дастлабки йилида ойлик ва квартал план топириқларини шараф билан бажариб келмоқдалар. 10 ойлик план барча кўрсаткичлари бўйича ошириб адо этилди. Республикаимиз колхоз ва совхозларида мўлжалдагидан анча ортқ пахта териш агрегатлари, эҳтиёт қисмлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилди.

Ҳа, кечаги кун ташсельмашчилар хотирасида абадий сақланиб қолади. Шунинг билан бирга бу шодона кунин барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари, бутун республикамиз кишилари умрбод ёдан чиқармайдилар. Шу қувончли кунларда ўлкамизда терим агрегати ишлаб чиқарувчи корхонанинг кеска ишчилари билан суҳбатлашиб қолсангиз, улар 1949 йилда завод бош

конвейердан тушган дастлабки СХМ—48 машинаси қандай қарши олингани ҳақида мароқ билан ҳикоя қилиб берадилар. Ҳақиқатда, янги машина ўша вақтда ниҳоятда примитив бўлиб, икки киши икки четда пахтани сўриб олувчи шлангин кўтариб юришар, ишчиларлар ҳали тақомиллашмаган, кўскаларини чайнаб кетарди унумдорлиги эса ниҳоятда паст эди.

Соат роппарасо 11 янгида 100000—терим агрегатининг яратилиши муносабати билан заводнинг йилги режасида қишлоқ ишчиларининг бўлиб ўтди. Унда корхонанинг барча ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилар, шунингдек жаҳонда тенгсиз ҳисобланган пахта териш машинасининг ишкорлари иштирок этдилар. Тантана завод партия ташкилотининг секретари ўртоқ С. Тожиёв очди. Нотиқ корхона коллективининг Улуғ байрам арафасида эришган меҳнат ғалабаси ҳақида ҳаяжонли нутқ сўзлади. Жумладан у шундай деди: — Республикаимизнинг миришкор пахтакорлари кейинги йилларда мисли кўрилмаган «оқ олтин» ҳосили етиштирмоқдалар. Тоғлардан юксак хирмон кўтарилишида, етиштирилган ҳосилнинг бир граммининг ҳам несобуд қилмай ўз вақтида йиғиштириб олинишида биз — машинасозларнинг ҳам баракали улушимиз бор. Фақат янги бешйилликнинг биринчи йилидаёқ дала меҳнаткашлари учун икки қаторга ҳисобланган

да 11 мингдан ортқ «зангори кема» етказиб бериш мажбуриятини олган эканмиз, албатта ўз сўзини устидан чиқармади. Завод аҳли корхона директори ўртоқ И. Мусиннинг назорати тутиқини эър қилиш билан тинглади. У заводда ҳар томонлама кенг қўлчи ёлган социалистик мусобақа ҳақида, бешйилликни муддатидан олдин бажариш иштиёқиди меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар тўғрисида, республикаимизнинг кўз илғамас далаларида жавлон ураётган шикояткор механизаторлар хусусида тўхталиб ўтди. Айниқса, «зангори кема» суворийларининг бу йил бункерлардан 1 миллион 800 минг тонна «оқ олтин» тўкишгани ва айни кунларда ҳам терим суратларини пайсаттиришмаётгани ҳақидаги сўзлари гулдўрос қарсақлар билан қириш олинди.

Минбарга заводнинг асосий цехларидан ҳисобланган йилги пехи бошлиғи В. Силантьев кўтарилади. Унинг ҳаёти, фаолияти мана шу корхона билан узвий боғланган ҳаммага маълум. Силантьев заводга тўғри мактаб партиядан келган десак бўлади. Мамлакатимиз олованда қора булутлар сўзиб юрган 1941 йилда у қалб амрида кўра бу ерга ишга кириди. Аввал бир-икки ой шогирд бўлиб юрган ўсириш ўзининг тириққонлиги, меҳнатсеварлиги билан тез орада коллектив хурматини қозонди, слесарлик маънасини ағаллайди, сўнгра эса маъмурият унга юксак ишонч билдириб, мастерлик даражаси

га кўтарилади. Эндилкида эса у улкан пехи бошқармоқда.

Пех бошлиғининг коллектив меҳнат зафари ҳақидаги ҳаяжонли сўзлари митинг қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.



Шундан сўнг завод раҳбарлари тантанали равишда 100000 машина қалитди. Янгийўл районидан «Қизил Октябрь» колхозининг механизатори Бозорбой Норматовга топиришди. Маълумки, бундан 22 йил муқаддам Чиноз машина трактор станциясида унга биринчи номерли пахта териш агрегати топирилган эди. Уч йилдан сўнг эса моҳир механизатор завод эшигидан 10 мингича терим агрегатини ҳайдаб кетганди. Эндилкида эса у 100000 машина рулга ўтиради. «Ўзбекистон» машинаси қалитини қўлга оларкан механизатор юксак ишончга жавобан инада барақали меҳнат қилишга сўз беради.

Митингда йилувиш-слесарь Б. Идрисов, «Қизил Октябрь» колхоз раиси Ж. Очилов, Ленин мукофоти лауреати, комструктор М. Маркин ва бошқа ўртоқлар сўзга чиқдилар. Тантана сўнггида Бозорбой Норматов ишчи-хизматчиларнинг гулдўрос қарсақлари остида машина рулга ўтириб, цехдан тўғри асмакон колхоз томон йўл олади.

М. ДАВРОНОВ.

Суратларда: (юқорида) конвейердан юз мингича «зангори кема» туширилишига бағишлаб ўтказилган митинг пайти. Пастдаги суратда корхона тайёрлаб пахтакорларга жўнатишга тахт қилиб қўйилган терим машиналари.

С. Мальцев ва А. Тураев фотолари.



ЙИЛ ЯКУНИ ҚУВОНЧЛИ БЎЛДИ

Колхозимиз далаларидан сўнгги ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Йиллик плани бажарганимизга анча бўлди. Шунга қарамай давлатга савзавот маҳсулоти топиришини қизғин давом эттирмоқдамиз. Лекин бултур шу вақтларда план бажаришга, даладарда маҳсулот қолмаган эди. Ушанда колхозчилар ҳам, колхоз раҳбарлари ҳам ҳижолатда эдилар. Биз тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили планларини тузётганда ва уни тасдиқлаётганда 1970 йилда йўл қўйилган камчиликларни аниқлаб, уларни тўлатиш, ҳўжалитишимизни олдинга қараб дала қилла ташлаш режаларини белгиладик. Тузилган планга кўра давлатга 7570 тонна савзавот маҳсулотлари сотиш мўлжалланган эди. Биз бу плани октябр ойида 101,2 процент қилиб бажардик. Давлатга 7587 тоннадан кўпроқ савзавот маҳсулот

лари етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг шу вақтдагига қараганда 1957 тонна кўп демакдир. Шунингдек, давлатга 1500 тонна картошка, 1144 тоннадан кўпроқ полиз эканлари маҳсулоти сотиб, бу соҳадаги планлар ҳам ошириб адо этилди. Кўкламда, экинлар қар-қара бўлиб ўсиб турган пайтда қаттиқ дўл бўлди ва боғлар мевасини, экинлар ниҳолини пайҳон қилиб кетди. Иродаси мустаҳкам ва барча техника билан қўролланган колхозимиз аъзолари табиин офатин енгиб, даладарда мўл ҳосил етиштирдилар. Бу ишда коммунистлар айниқса олдинги сафда бўлдилар. Илғор Абдушукор Исламов бригадаси савзавотчилик учун об-ҳаво яхши келмаган бу йил ҳам планингни амаё, мажбуриятини ҳам ошириб бажарди. Ана шу бригада 931 тонна ўрнига 975 тонна савзавот сотди.

Комсомол-йшлар бригадаси Хусниддин Мухиддинов, Озод Юнусов ўртоқлар бошчилигида жуда яхши ишлар қилдилар. Бу ёшлар бригадалари ҳам социалистик мажбуриятларини муваффақиятли ўзинладилар. Хусниддин Мухиддинов бригадаси 984 тонна, Озод Юнусов бригадаси 1088 тонна маҳсулот топириб, катта ютуқни қўлга киритдилар. Биз ялпи маҳсулотни 8327 тоннага етказиш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилдик. Шу кунларда даладарда фидокорона меҳнат вилаётган ва Улуғ Октябрнинг 54 йилгини муносиб кутиб олиш учун курашайтган колхозчилар ўзлари қабул қилган социалистик мажбуриятни байрам кунингача бажариш ҳаракатидалар.

Шунингдек, колхозда чорва моллари туғини кўпайтириш, чорва маҳсулотлари тайёрлаш

планлари ҳам қўнғилдагидек бажарилаётир.

Колхозимиз аъзолари келгуси йилда ҳам шаҳар меҳнаткашларини эртаги савзавот маҳсулотлари билан мўл-қўл таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўлиш учун 100 гектар ерга илз, чеснок ва бошқа экинлар экиб қўйдилар.

Беш йилликнинг дастлабки йилида ташланган қадам дадил бўлди. Биз ҳўжалитишимизни мустаҳкамлашга ва унинг шўҳратини тиклашга ҳаракат қилиб, бундан кейин ҳам белгиланган планларини барча соҳалар бўйича астойдил бажарилиши учун астойдил курашамиз.

М. ҚҶҶҚОРОВ.

Оржоникидзе районидан «Маданият» колхозининг раиси.

Х. МУРВАТОВ.

колхоз партия ташкилотининг секретари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ИЛ 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш проценти

Калинин	62,1
Юкери Чирчиқ	57,1
Оржоникидзе	52,0
Бўстонлиқ	38,0
Оқдўғрон	27,9
Ўрта Чирчиқ	18,4
Бўна	17,5
Оқиларон	16,0
Янгийўл	14,4
Пискент	11,3
Бекобод	5,9

▲ Бўна районидан «Қўқорол» совхозида йиғим-терим кунларида Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми студентлари машина билан пахта теришда актив иштирок этдилар. Мавлуда Мирзабахромовна студентлар орасида меҳнат намуналарини кўрсатди. Суратда: М. Мирзабахромовна.

Н. ТЎРАЕВ фотоси.

УЛКАН ХИРМОН УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЛ 3 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан бери.

Пискент	0,23	123,10	0,10	104,14
Оқдўғрон	0,19	120,13	0,02	111,58
Юкери Чирчиқ	0,04	119,83	—	159,46
Бўна	0,39	118,63	0,21	107,69
Ўрта Чирчиқ	0,08	115,80	—	101,99
Янгийўл	0,35	112,83	0,50	84,37
Бекобод	0,14	107,65	—	87,40
Область бўйича:	0,22	116,33	0,12	104,37

МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

1-«Пискент» совхозининг Жалил Иўлдошев бошлиқ бўлим ишчилари бу йил катта ғалабага эришдилар. Улар 510 гектар пахта майдонидан 1190 тонна пахта териб олиб, 16 иш кунинда плани бажарган ва яна 300 тонна «оқ олтин» беранмиз, деб қўшимча социалистик мажбурият қабул қилган эдилар. Бўлим ишчилари олган бу социалистик мажбуриятини ҳам

шараф билан бажардилар. Хосилдорлик 30,1 центнерга етказилди. Яна ҳар гектар ердан 2 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашилмоқда. Бўлимда йиғиб олинган ҳосилнинг 880 тоннаси машина билан терилди. Марин Холмуродов, Икром Муллажонов, Қобил Имомов, Ёулможон Хайитхонов сингари меҳнат-ҳайдовчилар айниқса яхши ишладилар. Бўлим ишчилари қолган пахтани тезроқ териб олиш билан бирга шудгор қилишни ҳам бошлаб юбердилар.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Октябрь байрамининг меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш ниятида ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юборган Янгийўлдаги экспериментал колхоза заводи ишчилари ўн ойлик плани муддатидан илгари адо этдилар. Завод коллективи ўн ойлик планга қўшимча равишда 125

тонна колхоза маҳсулоти, 120 тонна гўшти ярим фабрика, 10 тонна ёғ ишлаб чиқариб, аҳолига белгилангандан кўра 440 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга муваффақ бўлди. Технологик жараёнлардан тўғри фойдаланиш эвазига 226 кубометр ёқилғи, 14 минг киловат соат электр энергияси, 150 гигакалорий буғ иқтисод қилиб қолди.

Байрамодди меҳнат вахтасида туриб ишлайтган Тўра Нурматов, Михаил Филоненко, Турғубой Қўчқоров, Миновара

Гусманова, Людмила Шачнева, Жафар Жалилов, Ваҳоб Ўрунов ва шунга ўхшаш меҳнат зарбдорлари кунлик ва ойлик планларини ошириб адо этиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилини муваффақиятли якунлашга аҳд қилган корхона ишчиларининг мақсади катта. Улар йиллик планни 15 декабрга адо этиш, пландан ташқари 150 тонна маҳсулот ишлаб-чиқариш ниятида меҳнат қилмоқдалар.

МУАССАСА КОММУНИСТЛАРИНИНГ БУРЧИ

Тўққизинчи беш йилда автомобил транспорти ходимлари олдига улкан вазифалар қўйилган. Улар юк ташини оёроқтин охиришлари, аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашлари, халқ хўжалиги ресурсларида ишнинг кўзини билан бойланишлари лозим. Бу беш йилда автомобил транспорти билан юк ташини 1,6 марта кўпайтиш керак.

Транспорт ишлари яхшилаш кўп жиҳатдан бошқарув аппарати ходимларининг фаолиятига ҳам боғлиқдир. «Гавташ-кентрой»га қарашли транспорт бошқармасининг бошқарув аппарати коммунистлари яхшида ўз партия ташкилотларининг ҳисобот-саноот йиғилишига тўғрисида, ўз олдларига қўйилган юқоридаги вазифаларни яна ҳам кенгроқ муҳокама қилдилар.

Коммунистларимиз бошқарма иш фаолиятини яхшилашда ва кўла кўпайтиришда муваффақиятлар қўланини кенгайтиришда муносиб ҳисса

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САНООТ ЙИГИЛИШЛАРИ

қўшиб келмоқдалар, — деди доклады, бошқарув аппарати бошланғич партия ташкилотининг секретари В. И. Перикхайло. — Ташкилотининг сафига бирлашган 28 коммунистнинг ҳаммаси ўз вазифасини шараф билан адо этинга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, биз бошқарув аппаратини арзонлаштириш устида кўп ишларин амалга оширдик.

Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг бошқарув аппаратини такомиллаштириш ва арзонлаштиришга даъват этувчи қарорин коммунистлар ўртасида ўз вақтида ишлаб чиқилди, бир қатор қимматли тadbирлар белгиланди. Ички имкониятлар тўла ҳисоблаб чиқилган, бир қатор ходимларини бевосита ишлаб чиқаришга ўтказиш имкони борлиги маълум бўлди. Шу туфайли 100 минг

сўмликдан кўпроқ маош фондига тежаб қўйилди. Иккита бўлиб ишчылари қўйилди. Бу билан ишлаб чиқаришга раҳбарлик яна ҳам такомиллашди.

Партбюро ўз йиғилишларида бошқарув аппаратини яхшилаштириш ҳақидаги масалани бир неча бор муҳокама қилди. Йиғилишларда коммунистлар қимматли таклифларини ўртага ташладилар.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар ютуқларини таъкидлаш билан бирга ҳали бажарилмай қолган вазифаларини ҳам алоҳида кўрсатиб ўтдилар. Муассаса коммунисти қўғозбозликка берилмай бевосита жойларда бўлиб, ишлаб чиқаришга амалий ёрдам кўрсатиши, тежамакорлик учун кураш қўламини кенгайтиришга бошчилиқ қилиши, тоқалган хом ашё ва материаллар давлатга қанча фойда келтирили-

шини биринчи бўлиб ҳисоблаб чиқиши ва уни оммага етказиш лозим.

Шунинг айтиш кераки, транспорт бошқармаси коллективни ўтган саккиз ойлик ишларини бажарилмай қолди. Бунда албатта бошқарув аппарати ходимларининг ҳам айби бор. Улар автобазаларда кўп йўл қўйилётган нуқсонларни ўз вақтида иқтисодий анализ қилиб, тегишли хулосалар чиқармаганлар. Ишлаб чиқаришга автоматика ва телемеханикани кенгроқ жорий этиш, бундан келадиган иқтисодий самараларини ёйишга эътибор бермаганлар. Сўзга чиққанлар мавжуд аҳолини ишчилар билан анализ қилиб, навбатдаги ишга ёрдам берувчи фойдали таклифларни ўртага ташладилар.

Партбюронинг янги сайланган состави зиммасига коммунистлар активлигини ошириш ва йўл қўйилган нуқсонларни тезроқ бартараф этиш вазифаси юкланди.

П. СЕЛЕЗНЕВ.



ТОШКЕНТ ГРЭСи қурувчилари саноат объектларини бўй-ётишни туғаллаб, машиини, савдо хизмати кўрсатадиган, мактабга ёшдаги болалар муассасалари ва уй-жойлар қу-

ришга киришдилар. Ушбу суратда бинокорлар ўртасидаги социалистик муносабатда энг яхши кўрсаткичга эришган У. Исмаилов, А. Махмудов ўртоқларини кўриб турибсиз.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

«Горняк» совхозининг чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга таъбиқ этиб, Октябрь байрамига муносиб совға тайёрладилар: улар давлатга чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш йиллик планини ҳамма турлари бўйича ошириб бажардилар.

Масалан, сўт сотиш планини 101 процент, гўшт — 104 процент, тухум — 107 процент адо этилди. Шунингдек, моллар 12,2 тонна ўрнига 16 тонна семиртирилди ва бу соҳадаги план 130 процент бажарилди.

Совхоз чорвадорлари мавжуд имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга йил охиригача пландан ташқари яна 24 тонна сўт, 2 тонна гўшт, 80 минг дона тухум етказиб бериш мажбуриятини олдилар. Бундан ташқари, ситилардан 45 тонна 53 бонн бўлиб олинди. Хосилига ҳар бир ситилдан соғиб олинган сўт 3100 литрга етди. Чорвадорлар ой охиригача, ҳар ситилдан яна 100 литрдан сўт соғиб олиш мажбуриятини қабул қилдилар.

Сўт соғувчи Полина Калугина 45 тонна ўрнига 52 тонна, Ана Гагарова 47 тонна ўрнига 53 тонна сўт олиб, мажбуриятларини ошириб бажардилар.

Т. ИҲЛОШЕВ.

ВАТАН ҲАҚИҚАТИ

Совет Куролли Кучларининг ҳаётида шахсий составнинг навбатдаги янгилашдиқлар давр-бошланмоқда. СССР Олий Совети қабул қилган «Умумий ҳарбий мажбурият тўғрисида»ги Қонунга биноан 1971 йилнинг ноябры-декабры ойларига ҳарбий хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флотини, ҳаво ва ички қўшнлар сафидан заласга бўшатиладди. Чақириқ қўнигача 18 ёшга тулган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган граждандар, шунингдек чақириқ муддатини узайтириш фурсати ўтиб кетган катта ёшдаги (27 ёшгача бўлганлар) граждандар ҳарбий ҳарбий хизматини ўташга чақирилмоқдалар. Ҳарбий хизматлари туғайтган солдат ва матрос, сержант ва старшиналар юқори класс мутахассислар, ҳарбий маънафидар ва юрешларда чиққан, матонатли жангчи ва актив жамоатчилардир.

Куролли Кучларимизнинг

жанговар традициялари билан, ўзларининг жанговар дўстлари билан хайрлашгани билан улардан ажралишлари оддийгина ҳодиса эмас, албатта. Уларнинг ўзини боши, танк ричагини қўлга олиш, ракета ва тўларнинг номерларига, жанговар постларда туришдек янги вазифаларни ўтатиш ҳазин гап эмас!

Шунинг учун ҳам ҳарбий қисмларда катта тайёргарлик ва мураккаб вазифаларни бажариш чоралари қўрилмоқда.

Шу айёмда ҳарбий комиссариатларнинг зиммасига ҳам маъсулдият вазифалар тоғилдирилган. Маълумки, ҳарбий комиссариатлар, партия, совет ва комсомол органлари билан биргаликда ёшларни Ватан ҳимоясига тайёрлаш учун кўп иш қилдилар. Масалан, областинида аксарият ёшларимиз шофер, алоқачи, парашютичи ва бошқа ҳарбий ҳунарларга эга бўлганлар. Чирчиқ, Бекбод, Янгийўл, Ангрен автомобилклуб-

лари бу соҳада намуна бўлдилар.

Ёшларимиз бу йил комсомоллар ташаббуси билан ташкил этилган ўнлаб ҳарбий-ва ташнапарварлик лагерларида дам олишди, ҳарбий тайёргарлик дасларини ўташди, ҳарбий юришлар ва машқларга қатнашди.

Тошкент шаҳридаги ДОСААФ Республика Комитетига қарашли автомобилклубда, радиоклубда ва денгиз клубларида яхши ва чиниққан мутахассис ёшлар тайёрланди ва тайёрланмоқда.

Кўп йиллардан бери шаҳар ва районлар ўртасида ёшларни ҳарбий хизматга, Ватанини ҳимоя қилишга тайёрлаш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалалари юзасидан социалистик муносабат ўтазилмоқда. Ҳарбий комиссариатлар, бошланғич партия ташкилотлари, бу соҳада намунали ишлар олиб бормоқдалар коммунистик ва ватанпарварлик руҳида

тарбиялашда, уларни жасорат ворислари қилиб ҳарбий хизматга тайёрлашда эришган ютуқлари учун Тошкент об-ластини Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округи бўйича ва республика миёна об-ластини ўртасида биринчи ўринни олади. Бу муваффақиятлари учун об-ластинидаги Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Кўма Қизил Байроғи ва бир йилги сўм пул мукофоти тошпирилди. Байроқ Фарғона об-ластидан олиб берилди.

Ҳозирги кунда Ўрта Чирчиқ, Октябрь, Калинин, Чилонзор, Янгийўл, Собир Раҳимов ва Ленин район чақириқ комиссиялари ишчи намунали олиб бормоқдалар. Шунинг айтиш кераки, янги ташкил бўлган Собир Раҳимов районда чақириқ ушқоқлиқ билан бошланди.

Район чақириқ пункти янги бинода (Чуқурсойда) иш олиб

бормоқда. Район ёшларига жуда қўлай бўлган бу бино яхши ремонт қилинган, планат ва ширпалар билан безатилган, агитпункт, чойхона—буфет, кутубхона бор. Чақириқ комиссияси учун ёшларни меҳнатга тегишлидан пухта ўтказиш шартлари туғдирилган, ҳар бир врач-мутахассис учун алоҳида хоналар ажратилган. Агитпунктда ёшлар ўртасида доклад ва суҳбатлар, концертлар ташкил қилинган.

Социалистик муносабатда биринчилигини олган ва об-ласт партия комитети, об-ласт икрония комитетининг Кўма Қизил Байроғи ҳамда 500 сўм пул мукофотини олган Ўрта Чирчиқ районида ҳам ҳарбий хизматга чақириқ ишлари яхши ташкил этилган.

Пойтахтимизнинг Ленин райони тўрт йилдан буён Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар икрония комитетининг Кўма Қизил байроғини қўла сақлаб келмоқда.

ПАХТАКОРЛАР МАДҲИ

Областимизнинг улкан пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшаётган деҳқонлар ва механизаторлар Ўзбекистон партия ва ҳукумати нинг Мувожаатига жавобан пахтакорлар ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар. Улар бутун ҳушайравларини еттигини «Оқ олтин» ҳосилини тезроқ йиғиб-териб олиншига сафарбар этишмоқда.

Редакциямига келайтган хат-хабарларда азамат пахтакорларнинг шу кеч қундузда бораётган ана шу жанговар ишлари мадҳ этилди. Район, қолхоз ва совхозлар бирин-кетин галаба маррасига етиб келишмоқда. Қишлоқ мухбирлари хўжаликларда қўлга киритилётган ютуқлар, амалга оширилаётган ишлар ҳақида қўлаб хабарлар юборишмоқда.

Бекободлик шатаси мухбиримиз Шодмонжон Нуралиев шу райондаги Обкек номли совхознинг пешкада, Суннат Бобоев бошчиқ бригада пахтакорлари олиб бораётган ишлар ҳақида ёшан хабарига «На тга хирмонидеб сарлавҳа қўйган. Бригадада 27 нафар пахтакорлар 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 27 центнер ўрнига 37 центнердан ҳосил йиғиб олганлар. Ҳозир улар даладаги бор ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олиб аё хирмонига кўнига 5—6 процентдан пахта тўзишмоқда.

Оқўғроғлиқ хаваскор мухбир Абдулла Маъдиев ўзининг «Қаҳрамоннинг изиди» сарлавҳали хабарисада шу райондаги Ватенцев

номли қолхознинг донгдор бригадаси бошлиғи Мустақим Эриқбоевнинг қолхоз пахтачилигини ривожлантиришга қўлган ҳиссаси, у бошлиқ бригада пахтакорлари олиб бораётган ишлари билан ҳақида хикоя қилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маман ота Қўлошев каби мухбир пахта усталари ишлайётган бу бригада деҳқонлари тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида ҳар гектар ердан 30 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш учун курашиб ҳар гектар ердан шу қўнигача мажбуриятдан ошириб ҳосил олдилар.

Ўрта чирчиқлик жамоатчи мухбир А. Қодиров «Бригадир» сарлавҳали хабарисада шу райондаги Ангелс номли қолхознинг Кан О Нам бошлиқ бригада пахтакорларининг 250 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш учун ҳаракат қилишган ҳақида ёзди.

Пешкадаги жамоатчи мухбир Турсунали Усмонов «МуСОбададошлар» сарлавҳали хабарисада Тельман номли қолхознинг мажбурият бригадаси бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қасимовнинг Қодиров ҳақида хикоя қилди. У бошлиқ бригада деҳқонлари бу йил янада юксак марраларни қўлаб гектар бошига олинган қолхозчиларини 50 центнерга кўтариш учун курашаётдилар.

Бундай донгдор бригадалар ва эвенюлар областимиз хўжаликларидеда қўлаб топилди. Уларнинг қилаётган қаҳрамонона меҳнати

редакциямига йўлланган ҳар бир хат-хабарда ўз ибодатини тоғнал Бекободлик шатаси мухбиримиз А. Эгамқуловнинг «Маргата етган мардлар» оқўғроғлиқ С. Мустақимовнинг «Зафар қўнгалар», янгийўллик С. Раҳимовнинг «Байроқдор бригада», ўрта чирчиқлик А. Эшмоновнинг «Мўд ҳосил учун» сарлавҳали хабарларида азамат пахтакорларининг жанговар ишлари, режалари ҳақида фикр юритилди.

Шу кеч-қундузда деҳқонлар билан бир сафда туриб тер тўкаётган, ган, уларга қўмадош бўлаётган шаҳарлик ишчи-хизматчилар ҳам астойдил меҳнат қилишмоқда. Бекободлик Х. Отақулов «Шифорқдор ҳиммати» сарлавҳали хабарисада Бекобод шаҳридаги санитария-эпидемия инспекцияси ходимларининг «Ленинград» совхозини пахта далаларида ҳормай ишлайётганлигини хабар қилди.

Шунингдек, редакциямига жамоатчи мухбирлардан А. Тўхтасинов, Анобиков, Ж. Қўрбобоев, Х. Аҳмедов, А. Қўрбобоев, П. Эргашев, И. Қалайдаров, М. Қамдамов, А. Нодиров, Қ. Саидоҳунов, О. Алиқулов, Э. Эрнарзоров, О. Худоев, Р. Раҳимқулов, И. Одилов, Ф. Аҳмедов, С. Титов, К. Мавлонов, Ш. Вахромова, Ф. Муштоқов ва бошқалар йўллаган хабарларда даладаги ғайрат камарини маҳкам боғлаб ишлайётган қолхозчи механизаторларнинг ибратли ишлари ҳикоя қилинган.

Дунё хабарлари

ХАЛҚЛАР ҲАҚИҚАТИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визитини турли мамлакатларнинг сийёси ва жамоат доиралари, чет эл матбуоти кенг шарҳламоқда. СССР билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари тўғрисида Совет—Франция қўнига ҳужжатини қизини шарҳлаб кўпгина газеталар Л. И. Брежневнинг сафари натижасида бу ҳамкорлик сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришганлигини, унинг тинчликни ва халқлар ҳамфазолигини янада мустаҳкамлаш мақсадларига мос эканлигини таъкидлаб ўтмоқдалар.

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси олий даражада ўтказилган Совет—Франция музокаралари натижаларига бағишланган мақоласига «Л. И. Брежневнинг сафари — халқаро кескинликни камайтириш ишида эришилган муваффақиятдир» деган сарлавҳа қўйди. Парижда имолашган ҳужжатда барча соҳаларда Совет—Франция ҳамкорлигини янада ривожлантиришнинг асослари белгиланган.

ВАШИНГТОН. 2 ноябрь. (ТАСС). АҚШ Мудофаа министри Лейрд бугун Жанубий Вьетнамга йўл олади. Штаблар бошлиқлари комитетининг раиси адмирал Мурер ҳам у билан бирга учиб кетади.

Пентагон бошлиғи Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида сенатнинг «чет элларга ёрдам» тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисидаги

га. Совет Иттифоқи билан Франция дунёнинг бир-бирига қарама-қарши турган блокларга ажралишини тутатини тақлиф этаётганлигини алоҳида қилсак, визитининг асосий янқуларни хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан Европа давлатлари кенгашида эришилган мумкин бўлган битимини олдиндан белгиллаб беради десак муболағ қилмаган бўлишимиз, деб ёзади «Юманите» газетаси.

БЕРЛИН. «Нойс дойчланд» газетаси Л. И. Брежневнинг ГДРга қилган визити тўғрисида махалли ва чет матбуотида бийдирилган фикрларни таҳлил қилиб, «ГДР билан СССР ўртасида қардошларча иттифоқ қўратили кўчди» деб ёзади. Газета ГДР аҳолисининг Совет Иттифоқига бўлган меҳр-мухаббаты ва дўстлиги Берлин аҳолисини КПСС Марказий Комитети Бош секретарини самийий кутиб олиш чоғида янада равшан намоён бўлганлигини таъкидлайди. ГДР меҳнатқиллари, деб даъво қилади газета, Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити Европада ва бутун дунёда тинчлик ишнинг муваффақият қозониши учун муҳим

аҳамиятга эга эканлигидан чуқур мамнуният наҳор қилдилар. «Берлинер Цайтунг» ва «Трибуна» газеталари Л. И. Брежневнинг ГДРга қилган визити тўғрисидаги хабарини «муштарак мақсадлар йўлидаги курашда ҳаракат бирлиги», «ГДР Совет Иттифоқи билан бирга тинчлик ва хавфсизлигини ҳимоя қилмоқда» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди. Газеталар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ГДРга қилган сафарига жаҳон жамоатчилигини катта эътибор бераётганлигини, халқаро кескинликни камайтириш йўлида СССР билан ГДР тиймай олиб бораётган курашини визити муваффақияти Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги тинчлик юришига қўшилган муҳим ҳиссадир, деб ёзади Чехослованияда чиқадиган «Прага» газетаси. Парижда имолашган ҳужжатлар Л. И. Брежнев билан президент Ж. Помиду ўртасидаги музокара-лар чоғида муҳимга қилинган кўп масалалар Совет—Франция муносабатларининг, шунингдек уни янада ривожлантириш истиқболларининг мустаҳкам заминига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

ВАРШАВА. «Трибуна людз» газетаси бундай деб ёзади: СССР билан Франция ўртасида ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги ҳужжат, Совет—Франция декларацияси ва экономика, техника ва саноат соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим Совет—Франция муносабатларини янада ривожлантириш учунгина эмас, шунингдек бу-

тун Европа учун ҳам катта аҳамиятга эгадир. «Трибуна людз» газетаси СССР ва Франция умум Евро-па кенгашиини 1972 йилда ўтказиш учун унга муҳим қадар тез орада ҳар тарафлама тайёргарлик қўришни ёқлаб чиқ қилишларини уқтириб ўтди. Л. И. Брежневнинг визити, деб таъкидлайди «Трибуна людз» газетаси КПСС XXIV съезди қабул қилган тинчлик програм-масида ўзининг янги ёриш ифодасини тоғлан тинч ҳамкорлик ленинга сийёсатининг ривожлан-тирилишидир.

ПРАГА. КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг Францияга қилган визити муваффақияти Совет Иттифоқининг халқаро миқёсдаги тинчлик юришига қўшилган муҳим ҳиссадир, деб ёзади Чехослованияда чиқадиган «Прага» газетаси. Парижда имолашган ҳужжатлар Л. И. Брежнев билан президент Ж. Помиду ўртасидаги музокара-лар чоғида муҳимга қилинган кўп масалалар Совет—Франция муносабатларининг, шунингдек уни янада ривожлантириш истиқболларининг мустаҳкам заминига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

ЛЭЙРДНИНГ САФАРИ

ВАШИНГТОН. 2 ноябрь. (ТАСС). АҚШ Мудофаа министри Лейрд бугун Жанубий Вьетнамга йўл олади. Штаблар бошлиқлари комитетининг раиси адмирал Мурер ҳам у билан бирга учиб кетади.


Пентагон бошлиғи Оқ уйда ўтказилган матбуот конференциясида сенатнинг «чет элларга ёрдам» тўғрисидаги қонун лойиҳасини рад этиш тўғрисидаги

ЛАОС ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ КУРАШИ

ХАНОИ. 2 ноябрь. (ТАСС). Лаос халқ озодлик армиясининг бўлимлари октябрь ойида Сиекпуанг вилоятида душманнинг 220 дан ортқ соқадатини сафдан чиқардилар. Американиннг еттига ҳарбий самолётини уриб тўқидилар, кўп миқдордаги жанговар техника ва қурол-арғонни йқсон қилдилар ёни ўлжа қилиб олдилар. Вьетнам информация агентлигининг маъ-

қарорини қораллади. Унинг ганига қараганда, бу қонун лойиҳаси Пентагоннинг ҳарбий планларида муҳим аҳамиятга эга эмиш. «Ҳозир бизнинг ҳарбий ёрдамимизни ва бошқа мамла-катларга ҳарбий анжомларни сотиш программамизни қисқартириш тўғрисидаги қарор ан-ноқулай вақтда қабул қилинган-лиги мутлақо равшан», — деди

Лаос ватанпарварлари жанубий Лаоснинг Ситангон вилоя-тида шу йилнинг дастлабки ол-тин ойи чунда душман солдат ва офицерларидан 270 дан кўпроқ кишини ўлдирдилар, жароҳат-лантирдилар, асир қилиб олди-лар.



«СССРда тайёрланган» деган муҳр босилган станоклар, ма-шиналар бир қатор чет мамлакатларда катта талаб билан қарши олинди. Суратда: Бренес машинасозлик заводи иш-чиси М. Куделка СССРга жуғатинга тайёрланган компрес-сорни қўздан кечирмоқда. ЧТК—ТАСС фотоси.



«ЮЛДУЗ» фирмаси илгор иш-чиси М. Латипова меҳнатдан коллективга маъмур. У нормани до-им 115 процентга етказиб адо эт-моқда. Суратда: М. Латипова иш-устида. А. Тўраев фотоси.

ИККИ ТУР ҚОЛДИ

Футбол мавсуми маррага яқинлашди. Эрта-киндин 1971 йил футбол билан ҳайрлашмиш. Совет футбол учун бу мавсум ҳалқаро учрашулар соҳасида дуруст яқинлашмоқда. Мексика чемпиони тандан сунг ватандошларимиз расмий ва ўртоқлик учрашулари. Икки тур қолди. 24 марта майдонга тушиб, битта ҳам мағлуб бўлмадилар. Тренерлар Николлаев ва Парамонов асосий вазифанинг ундасидан чиқибди: СССР терма командаси Европа чемпионатида кучли санкизиладан мой олдиди.

Энди Николлаевнинг олдиди иккинчи, яна бир муҳим вазифа турибди. У ўз командаси, собиқ чемпион — ЦСКАнинг олий лигада қилиши устида қайғурмоқда. Львов шаҳрида бўладиган ўйин армиячилар учун осон эмас. «Карпати» номдор коллективларга қарши иккитанга кўтариниқлик билан ўйнайди. Бу йилги чемпион ҳам бунини ўзидан синаб кўрибди. Лекин шунинг айтиш керакки, «Карпати»нинг иккинчи даврада ҳали бирон марта ғалаба навиқадисини татиб кўрмади.

ЦСКАнинг бир йил ичда биринчи ўриндан пасста тушиб кетишини ягона тасодифий воқеа деб бўлмайди. Чемпионлик ва вице-чемпионлик пойтахт командалари кўндан кетибгина қолмай, мукофотли учинчи ўрин ҳам юз ўғирай деб турибди. Сабаби, москваликларнинг илгариги мурасасиз ўйини, рақиблар майдониданги агрессивлиги йўқолиб бормоқда. Пойтахтнинг тўрттала коллективи бу йилги энг дурангвоз командаларга айланган қолди. «Торпедо», «Спартак», «Динамо» ва ЦСКА жами 35 ўйинни дуранг натижа билан яқинлашди. Бу, мазкур командалар ўтказган учрашуларнинг қарийб ярмига тенг.

Ишқибозларини «Пахтакор» ҳақидаги мулоҳазалар нўпроқ қиқитирибди. Лекин бугунги кунда «Пахтакор»нинг аҳоли, команда-мизнинг тақдирини бошқаришни ўйинига узвий боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозир «Пахтакор» муҳлисари «Карпати»нинг, минскликларнинг, киевликларнинг, «Зенит»нинг муваффақиятини ўзларининг ғалабаларидек қарши олишлари турган гап. Чунки бу коллективлар сунгги ўйинларини аутсайдерлар билан — «Пахтакор»нинг би кўш-нилари билан ўтказадилар. Тошкентда бўладиган иккинчи ўйиндан ташқари «Карпати» — ЦСКА, СКА — «Динамо» (Минск), СКА — «Динамо» (Киев) ва «Нефтичи»нинг матчиари ҳаммаини қиқитирибди.

Ҳамшаҳарларимизнинг вазифаси нийҳатда оғир. Пахтакорларнинг айримлари чарчаб қолганини, спорт формасини йўқотганини, ги ишини ялада мушкуллаштиради. «Зар» билан бўлган ўйнама-манаш шунисидан илҳол сезилди. Ярим ҳимоячи Соловьевнинг ам-тивлиги йўқ. Исконининг илгариги шиддатли ҳужумлари кўринмади. У команданинг зарбдор кучини оширишга ҳисса қўша олмади. Жу-нов ҳам рақиблар дарвозасига етарли хавф соломлади. Кейинги учрашуларда команда капитани Абдурамоновнинг жонбозлиги, Тургунов ва Михаил Аннинг махсусдор ўйини, ҳимода эса Мас-лов ва Кулиминларнинг активлигини кўриш мумкин эди. Ҳолос. Коллективда уларни қўллаш-қувватлаб турувчи ўйинчилар асқот-моқда. Эртага «Шахтёр» ва 9 ноябрда «Нефтичи» билан бўладиган беллашулардан муваффақиятли ўтиш учун спортчиларимиздан тў-ла сафарбарлини, фидоюрлини, талаб этилади.

С. МУСАЕВ.



ФОТОЛАВҲАЛАР

ЭЛ

САЛОМАТЛИГИ

ЙУЛИДА

▲ ПОЙТАХТДАГИ 126-до-рихона ходимлари хизматидан ҳамма халқни. Бу ерга келган-лар пастаган доридармонларини топа оlishadi. Дорихона хизматчилари ҳамма яхши муомалада бўлишди. Сурат-да: дорихона бошқарувчиси Н. Мақсудов фармацевт П. Ярус-ка билан тайёрланган дори рецептини текширмоқда.

В. САЛОВ фотоси.



ЧИРЧИҚ ЯНГИЛИКЛАРИ

КОМСОМОЛЛАР — ҲАШАРГА

Шаҳар комсомол комитети ўрта Чирчиқ райони пахтакор-ларига 300 кишилик зарбдор комсомол бригадасини ҳашарга юборди. Комсомоллар отряди ўн кунлик иш куниди 120 тон-на пахта теришди.

Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмалли металлар комбинати ремонт-техника пе-чининг слесари З. Масолев, 20-маганин сотувчиси А. Ўта-нов каби комсомоллар берил-ган нормани доимо ортириб би-лан бажариб келиштиради. От-риқлараро мусобақада М. Хо-лиқов бошчи комбинат брига-даси пешқадамлик қилипти.

ЯНГИ МАГАЗИН

4-микрорайонда ўз-ўзига хиз-

мат кўрсатиш магазини қури-ди. Магазин майдони 252 квад-рат метрни ишғол қилади. Ун-да йил бўйи янги сабаовот ва мева-лар сотилади. Шунингдек, бу ерда нон, боққоқлик махсу-лотлари бўлими ҳам қойлаш-ган. Магазин марказида фон-тан, бинонинг ичда совутовчи ва ҳаво тозаловчи қурилмалар ўтказилган.

АЛОҚАЧИЛАРИНИНГ ЯНГИ МАСКАНИ

Яқинда Чирчиқ шаҳар алоқа узели уч қаватли янги бинога кўчиб ўтди. Бинонинг биринчи қаватида почта зали қойлаш-ган. Бу ерда хат-хабарларни саралаш, газета-журналлар, по-сылкаларни айлантириш механиз-млашган. Иккинчи қаватда мамурият ҳамда қизил бурчан,

шунингдек, кечало-қундуз иш-лайдиган шаҳарлараро телефон станцияси, учинчи қаватдан эса 4000 номерли автомат теле-фон станцияси ўрин олган Чирчиқ алоқа узелининг янги биноси техник жиҳозланиши жиҳатдан республикада олдинги ўринлар-дан бирда туради.

МУЗИКА ЛЕКТОРИЙСИ

Яқиндан бошлаб Чирчиқда симфоник музика лекторийси иш бошлади. Бу лекторийни Ўзбекистон давлат филармо-ниясига ва химикалар санъат са-роири ҳамкорлигида ташкил қи-лишти.

Дастлаб Глинка ижодида ба-ғишланган лекция-концерт бў-либ ўтди. Лекторийга химия

комбинати контроль-ўлчов ас-боблари цехининг раҳбари Е. Соколовский бошчилик қилмоқ-да.

БАДИЙ КОМБИНАТ ФИЛИАЛИ

Шаҳарда «Рассом» Тошкент бадий комбинатининг филиали очилди. Филиал профессионал рассомлар тасвирий санъат-дайқалтарошлик, биноларни бе-заш, турфа стиллар ва транс-портан тайёрлаш бўйича иш-ларни бажаради.

Рассомлар шаҳар архитекту-ра ансамблларини безаш ва сай-кал беришда актив иштирок этмоқдалар.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

«Тошкент ҳақиқати» жамо-атчи мухбири.

ФИЛАТЕ-

ЛИСТААР

УЧУН

▲ Ленин кўчасидаги «Фил-ателия» магазини филателист-лар билан доим гавжум бўла-ди. Бу ерда жуда хилма-хил янги почта маркаларини харид қилиб олиш мумкин. Суратда: сотувчи Муҳаддас Алиева ёш филателистларга янги марка-ларни кўрсатмоқда.

М. НУРИТДИНОВ фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Кўп меҳнат қилган бахтга етишди.

Леонардо да Винчи. Бахтсизликдан қўриққан бахт-ли бўлолмас.

ПЕТР I.

Бахт меърин билмайди.

СЕНЕКА.

Қувонини билмаган киши-га бахт бегона.

САФОҚЛ.

Ҳаммадан дилхуш нарса ни-ма?

— Орауға етмоқ.

ФАЛЕС.

Ўз эҳтиросинг поёнини бил-маслиқдан ортқи бахтсизлик йўқ.

ЛАО-ЦЗИ.

Мен бошқалардан кўра узокки кўра олган эканман, бу-юкларга таянганман.

И. НЬЮТОН.

Кимки, эр ва ҳақиқатини севибди, у қанчалик зўр одам бўлмасини буюк инсон бўлол-мас.

ВОЛЬТЕР.

Улғу одамлар баъзида кичик ишларда ҳам буюқлар.

Л. ВОВЕРАНГ.

Кичкин унвон эмас, унвонини одам улғулар.

ЖОМИН.

Қайсарлик — ожизлик белги-сидир.

В. А. ЖУКОВСКИЙ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР МЕХНАТКАШЛАР ВАКИЛЛАРИНИНГ 1971 ЙИЛ 7 НОЯБРЬ НАМОЙИШИ ТУҒРИСИДА

7 ноябрь эрталаб соат 10 да Ленин номи майдонда Қизил Байроқ ордени Туркестон Ҳарбий округи қўшинларининг парад бўлади. Парад тугагандан сўнг, соат 11 да Тошкент шаҳар меҳнаткашлари вакил-ларининг уюмушаар намоиш-и бошланади.

Намоишда қатнашувчи меҳ-наткашлар вакиллари корхона-лар, муассасалар ва ўзв юр-лар буйича ўзларининг йиғи-лиш пунктларига тўланалар ва уюшган ҳоҳда белгиланган маршрут бўйича район Кўла-налари билан Ленин номи майдонга йўл оладилар.

Таклиф билетлари бўлган кишилар Ленин номи майдон-га соат 9-у 45 минутгача қў-йиладди.

Махсус рухсатномаси бўлган автомашиналардан ташқари ҳамма турдаги транспортлар-нинг ҳаракати шаҳарнинг мар-казий қисмида — Навоий, Энгельс, Пролетар, Шота Руста-вели, Богдан Хмельницкий, Фурқат, Карл Маркс кўчалари-да соат 7 да тўхтатилади ва намоиш тугагандан сўнг ҳа-ракати рухсат берилди.

ШАҲАР ОКИБРЬ КОМИССИЯСИ.

„ОҚСОҚ“ СОАТ

Швейцарияда фақат секунд мида бўлган соат ясади. У соатини ҳам, минутини ҳам кўр-сатмайди. Турли тезликда ай-ланиб турувчи концентрик дои-ралар соат ва минут стрелка-рини ўрнини босади. Ҳаракатсиз циферблатда устмат-еж қой-лашган учта ойначада эса ой-нинг кунли, шу куннинг соати ҳамда минутини кўрсатувчи соатча пайдо бўлади.

КИРК ТЎРТИНЧИ ЙИЛ СЕНТЯБРИДА

«АРАДО» ҚАНТМАИДИ

Тун, кўз ёмири эзилга ёға-пти. Рига йўналишидаги олдинги фронт сафларига вақтинча суку-нат ҳуморон. Фақат аллақерда онда-сонда отишма овози эшити-лади, у ер бу ерда ёритувчи раке-талар кўринади.

Узоқ осмонда, ердан қалин бу-лут қатлами билан яширинган ба-ландликда эса шарққа томон тўрт моторли самолёт учиб борапти. Уни энг тажрибали фашист учу-вчиси бошқариб борапти. Бу учу-вчи рейхсмаршал Герингнинг ўз қўлидан дуб барглари туширилган ридарлик крести нишонини олиш-га сазовор бўлган. Экипажнинг бошқа аъзолари ҳам бу борада ундан қолтирмайди — улар не бор Польша, Франция, Норвегия ва Совет шаҳарларини бомбарди-рон қилишда қатнашган одамлар. Бу гал ҳам улар муҳим ва гоёт мушкул вазифани бажаришмоқчи — совет фронтининг оракси-га, Москваини нақ ўзига учиб боришгичи.

Экипажнинг кўнгли тўқ — ҳамма нарса олдиндан пухта ўй-ланган, тасодифлар ҳисобга олин-ган, ҳатто ийир-чиниларгача на-зардан қолмаган. Тўрт моторли катта «Арадо 332» ҳам гоёт ишончли самолёт — у фашистлар самолётсозлигининг энг сунгги модели бўлиб, империя хавфсиз-лиги бош бошқармасининг махсу-сиз буюми билан ясалган. Учиб-отиргани 18 тонна, 7,5 минг метр баландлик ва 4000 километр ма-софагача уча олади. Энг замона-вий навигация ускуналари тунда, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам учиб имконини беради. Мо-тор шовқинини босувчи мосламалар, ўт ўчиргичлар, ёғочдан иш-ланган винт қанотлари, ён ва паст-ки қисмларининг кул ранг-қора тусга бўялган самолётнинг тунда парвоз қилаётганида ниёублаб туради. 20 та муҳаж пневматик гилдираклардан иборат, бездеход шасси ҳам пухта ишланган. Қў-нишдаги тезлиги ҳам жуда оз — соатига 75 километр бўлиб, мах-сус тормоз мосламалари ҳар қан-дай дала, ўтлоқ, майдончага ва ҳатто қишлоқ йўлига келиб қў-нидир олади. Фюзелининг оряда деворига ўрилатилган ноёб кон-струкцияда люк-трап, шинда ҳа-ракат қилувчи ўриндиқлар — бу-ларнинг ҳаммаси самолётдаги одамлар, оғир қурол-яроғ, ўқ-до-ри ва бошқа катта анжонларни гоёт тез ерга тушириш имконини беради. Самолёт бортида оғир қу-роллар—10 та тезотар, жумла-дан, ийрик қалибди пулемётлар

ўрилатилгани, улар самолётни ҳу-ружлардан ҳимоя қила олади. Мана, уч соатдан бери учула-пти. Моторлар бир маромда гу-вилашди. Учувчи штурман кўр-сатмасига мувофиқ йўлни ўзгар-тириб бормоқда. Великие Луки районида зенитлардан тоза ўққа тугилган самолёт энди ердаги постларни қалғитиб, тез орада ер-га қўниши керак.

Радист эфирга диққат билан қўқоқ солипти. Ҳаво мерганлари пулемёт олдида қимирламай ҳўш-ёр туришгичи.

Темир йўл товар вагонидек ке-ладиган кеңг салонда эса атиги икки киши ҳамда арқонлар билан боғлаб қўйилган аравачаллик мо-тоцикл бор. Ҳолос. Пассажирлардан бири 35 ёшлардаги киши бўлиб, у, Совет Армияси умумқўшин майорининг формасида. Кўксига, гимнастёркасининг қўнғига усти-да олий ҳарбий нишонлар — Ленин ордени, иккита Қизил Бай-роқ, Александр Невский, Қизил Юлдуз нишонлари яқинлаб туриб-ди. Нишонлар юқорисиди, қизил лента устиди Совет Иттифоқи Ҳақрамоинининг Олтин Юлдузи парайди.

Ҳужжатларига кўра, унинг ис-ми — Петр Иванович Таврин, 1-Волтибуфйи фронти 39-армиянинг «Смерш» контрразведкеси бўли-ми бошлигининг ўринбосари. Ени-да у билан бирга хизмат қилувчи младший лейтенант Илья Яков-левна Шилова ўтирибди. Улар «алоҳида аҳамиятга эга бўлган гоёт махфий» пакетни «Смерш» контрразведкеси бош бошқарма-сининг бошлиғига етказишга шо-қиллашгичи. Шу билан бирга қандайдир яна бир муҳим юни-ҳам олиб кетишгичи.

Шу пайт учувчи хонасининг эшиги очилди, Иккинчи учувчи

Тавринга яқин келиб, таъвозе би-лан сўради:

— Қайфиятингиз нечук, майор жаюблари?

— Жойида.

— Хоним-чи?

— Уинки ҳам яхши. Тезда қў-намизми?

— Ҳа, 15—20 минутдан сўнг қўнамиз. Кийиниб, намарларни тақиб олинг. То самолёт ерга қў-магувча ўриндиқдан қиймай ўти-риг. Қўнглингиз тўқ бўлсин.

Мотор овози пасая бошлади. Самолёт ўёқ-бўёққа силкиниб, тез пастга қараб борапти. Еруқ фо-нарларини ёниб, қўнғишга шайлан-гичи. Энг охири дақиқада фонар нурида зулмат қарьиндан ўт босган оқонлар ва ўрмон кўрипти. Учув-чи газини охиригача босди. Мотор-лар ҳайқириб, самолётни асраб қолмоқчидай, аммо энди кеч — қўл қонналик оғир машина ерга яқинлашгичи. Мана, самолёт гил-дираклари ерга етиб, хандақ, па-ст-баландликлардан сакраб, ўр-монга қараб гилдираб кетди. Қў-тилмаган меҳмонлар йўлига тўсиқ бўлиб турган ёш қайин дархат-лари чирс-чирс сиймоқда. Само-лёт бироз бурилиб, ён томони билан баланд сарқомат қайинни ҳам ағдариб, ўласи қилиб яралан-ган ваҳшийдек бир неча метр судралиб борди. Металлар жа-ранг-журунги, ойнанинг сингани, йиқилган дархатларнинг қирсил-лаши бир аум эшитилди. Учув-чи ҳаммаёқ ваҳимали сукунат-га чўмди.

Экипаж турган жойида қотиб қолди — ёнидги бақлар портлама-са бўлгани! Уларни ваҳима босди. Биринчи бўлиб «майор жаюблар» ўриндан сакраб турди. «Шнел», мутаҳамлар, шнел», у салонининг орқа деворига юғуриб

(Давоми бор).



ҲАР ТЎҒРИДА

БОЛАЛАР МУЗЕЙИ

Қатор шаҳарларда, жумла-дан, Марселда (Франция) мах-сус болалар музейи ташкил қи-лиш тажрибаси ҳаммага маъ-қул тушди. Масалан, Марсел-да ҳар саъятда 1500 дан ор-тқи ёш тағабат ишқибозлари ўз музейларини келиб кўришади.

Парижда ҳам шундай бола-лар музейи бўлади. Уни собиқ Люксембург музейида жойлаш-тириш мўлжалланмоқда. Бу ердаги кўрғазма зали, кутуб-хона (ҳужжат ва информация-лар маркази ҳам шу ерда жойлашган), томошахона бола-лар хизматида бўлади. Музей бадий тарбия мактабига айла-

ниб, ўқувчи ёшлар учун клуб хизматини ўтади.

КЎМИРДАН—ЎҒИТ

Словакия олимлари кўмир ташилгандан сўнг қоладиган кўмир қукунидан ўғит сифати-да фойдаланишни таклиф қи-либ чиқдилар.

Кўмир қукуни майда тупроқ билан аралаштириб, унга туп-роқ бактериялари қўшилганда шундай ўғит ҳосил бўлди. Худди шу микроорганизмлар кўмир ва тупроқ аралашмаси-ни унумдор ўғитга айлантири-ши ҳам аниқланди. Чехослова-кия далаларида ўтказилган тажрибаларда маълум бўлиш-ча, бундай ўғит экин ҳосилини, айниқса картошка ва қанд ла-лаги ҳосилини анча ошира-ди.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ-ДА — 4/ХI да Ринголетто, 5/ХI да Богсарой фонгани,

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Утирланган умр, 5/ХI да Аягонларини.

МУҚИМНИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 4; 5/ХI да Ҳалима, 6/ХI да Се. вишганлар хибони,

Ўзбек ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Дийдор, 5; 6/ХI да Биринчи бўса.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти Н. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёш-войи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АР-ТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда; шанба кунла-ри кундуз соат 3 ва кеч 7 ярим-да; лшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошлана-ди).

Ўзбек ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Дийдор, 5; 6/ХI да Биринчи бўса.

Ўзбек ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Дийдор, 5; 6/ХI да Биринчи бўса.

Ўзбек ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Дийдор, 5; 6/ХI да Биринчи бўса.

Ўзбек ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Дийдор, 5; 6/ХI да Биринчи бўса.

Ўзбек ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/ХI да Дийдор, 5; 6/ХI да Биринчи бўса.